

Пудрат шартномаси № 10

Тошкент

Оср. 11. 2022 йил

Кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилувчи "DUN-EX" масъулияти чекланган жамияти номидан Устав асосида иш кўрувчи Қодиров.Д.Т бир томондан, иккинчи томондан «Миробод тумани ҳокимлиги» номидан Низом асосида иш кўрувчи Миробод тумани ҳокими Ш. Пулатов кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилувчи ва биргаликда "Томонлар" деб юритилувчи, мазкур пудрат шартномасини куйидаги хақида туздилар.

I. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ лойиҳа-смета хужжатларида ва ўтказилган электрон давлат харидлари натижасида кўзда тутилган ҳолда (кейинги ўринларда объект деб юритилади) **Тошкент шаҳар Миробод туманида яшовчи "Аёллар дафтири"га киритилган ижтимоий ҳимога мухтож аёллар уй-жойларини жорий таъмирлаш** ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган ишлар қиймати барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларини ҳамда КҶСни ҳисобга олган ҳолда жорий нархларда 442 000 000.00 (тўрт юз қирқ икки миллион) сўмни КҶС суммаси билан 57 652 174 (Еллик етти миллион олти юз еллик икки минг бир юз етмиш тўрт) сўмни ташкил этади.

2.2. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб Пудратчи томонидан 1 (бир) ой ичida лойиҳа-смета хужжатларига мувофиқ объектда 442 000 000,00 (тўрт юз қирқ икки миллион) сўм миқдорида хонадонлар уй-жойларни жорий таъмирлаш ишларини бажаради.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- енгигб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда йўл кўйилади.

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

III. Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- объектнинг ижро хужжатларини расмийлаштиради ва буюртмачига топширади шунингдек, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспорти ҳамда бошқа хужжатларни тақдим этади;
- объектда тасдиқланган лойиҳага мувофиқ қурилиш - монтаж ишларини амалга оширади;
- зарур ҳолларда айrim иш турларининг бажарилишида лойиҳа-смета хужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойиҳачи ташкилотнинг тегишли хulosаси ва ишлатилган машина – механизмлар нархига ваколатли идора (ташкилот, орган) нинг экспертиза хulosаси асосида амалга оширилиши мумкин;

- барча ишларни мазкур шартноманинг 2.2-бандида белгиланган муддатларда, курилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажаради ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;
- объектда техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлади;
- курилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;
- курилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

3.2. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқукини ўзида сақлаб қолади. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланишига Пудратчи тўлиқ жавобгар бўлади.

IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда лойиха-смета хужжатларига мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий курилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- мазкур шартноианинг 6.1-бандига мувофиқ пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

V. Ишларни бажариш муддати

5.1. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.2. Мазкур шартнома бўйича ишлар, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб

1 (бир) ой муддат ичида амалга оширилади.

5.3. Курилиш-монтаж ишлари бошланган кундан томонлар ўртасида ишларни **бажариш жадвали** келишиб олинади ва у томонлар тарафидан имзоланиб, корхона мухри билан тасдиқланади.

VI. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

6.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% микдорида, аванс ўтказади, бу 132 600 000,00 (бир юз ўтгиз икки миллион олти юз минисимни ташкил этади.

6.2. Бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, объект буюртмачи томонидан қабул қилинганидан сўнг бир йўла объектнинг умумий шартномавий қийматининг 65% микдоридаги маблағлар молиялаштирилади.

6.3. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг колган кисми Буюртмачи ва Пудратчидан ўртасидаги ҳисоб-китоб курилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилиниб, мазкур шартномага белгиланган кафолат муддати (б

йил) тамом бўлгандан кейин ишлар кийматининг 5 % гача микдорида маблағ молиялаштириб берилади.

VII. Ишларни бажариш

7.1. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хуқуқига эгадир.

7.3. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.4. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

7.5. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

VIII. Коррупцияга қарши талаблар

8.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбих этилишини ифодалайди ва кафолатлади.

8.2. “Буюртмачи” “Пудратчи”га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни кафолатлади ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади. Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директори, агентлари ва бошқа вакиллари), “Буюртмачи” манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, “Пудратчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қиласди.

IX. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

9.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

9.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қиласди, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

9.3. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласди.

9.4. Агар томонлар икки ой ичida келишаолмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

X. Шартномани бекор қилиш

10.1. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечикирилган ҳолда,
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

10.2. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмагандан;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

10.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

10.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

10.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

10.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XI. КАФОЛАТЛАР

11.1. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха-смета хужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнida обьектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этиши;
- обьектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

11.2. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар тўла таъмирлаш ишлари тугалланган обьектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

11.3. Агар обьектдан фойдаланишнинг кафолат муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланиши давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

11.4. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

XII. Низоларни ҳал этиш тартиби

12.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XIII. Алоҳида шартлар

13.1. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

13.2. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

13.3. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хуқуқига эга бўлмайди.

13.4. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса хақиқий хисобланади.

13.5. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

13.6. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

13.8. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилади.

13.9. Шартнома амал килиш муддати **2022 йил 31 декабр** кунигача амал килади.

13.9. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

XIV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари.

<u>Пудратчи:</u>	<u>Буюрмачи:</u>
<p>"DUN-EX" МЧЖ</p> <p>Манзил: Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси 42-үй</p> <p>ИНН: 308 510 618</p> <p>х/р: 2020 8000 9053 9365 3001</p> <p>МФО: 00 997</p> <p>АТИБ "Ипотека банк"</p> <p>Чилонзор филлали</p> <p>ОКОНХ:</p> <p>ОКЭД: 41 201</p> <p>Тел: 97 265 08-01</p> <p>Рахбар: <i>Д.Т.Қодиров</i></p> <p>DUN-EX</p>	<p>«Мирабод тумани Ҳокимлиги»</p> <p>«ҲОКИМИЯТ МИРОБАДСКОГО РАЙОНА» г. Тошкент. Миробадский район. Мирабод Л/счет: 50512986006273710960210001 АТИБ «ИПОТЕКАБАНК» МФО: 00420 ИНН: 201427062 Казначейство Министерства Финансов Миробадский ф-л ИНН: 201122919 Расч/счет: 23402000300100001010 МФО: 00014 Марказий банк Тошкент ш. ҲКМ</p> <p>Туман ҳокими Ш.А.Пулатов</p>

Юриси: *Муродов*